

ЎЗБЕКИСТОН АСАЛАРИЧИЛАРИ УЮШМАСИ БИНОСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3327 сонли "Республикада асаларичиликни янада ривожлантириш бўйича чоратadbирлар тўғрисида" ги 2017 йил 16 октябрдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, АТ "Алокабанк"нинг молиявий кўмагида Ўзбекистон асаларичилар уюшмасининг биноси тулиқ капитал таъмирланиб қурилиш ишлари якунланди.

Ўзбекистон асаларичилар уюшмасининг капитал реконструкция қилинган биносида республиканинг барча ҳудудий уюшмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи уюшма маъмурияти, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан келтирилган турли ассортиментга эга бўлган асал ва асаларичилик маҳсулотларига эга "Асал олами" савдо маркази, асаларичиликка ихтисослашган ветеринар аптека, асаларичилик ускуналар ва замонавий технологик линияларни лизинг асосида етказиб берувчи «ALOQALIZING» МЧЖ, асалари маҳсулотлари ва асалариларни чақтириш билан даволашга ихтисослашган "Апитерапия" медицина маркази, асални сифатини аниқловчи лаборатория маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги "Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида"ги ПҚ-3327-сонли Қарорига асосан "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмаси ташкил этилди, унинг асосий йўналишлари ва вазифалари қуйидагилар этиб белгиланди:

- асаларичилик соҳасининг норматив-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш;
- соҳани ривожлантириш дастурларини тайёрлаш ва амалга ошириш;
- ягона илмий-техник, технологик, инвестиция ва экспорт сиёсатини олиб бориш;
- олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва шу жумладан чет эл таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- асаларилар озуқа базасини мустаҳкамлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.

2018 йилда Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси Халқаро асаларичилик уюшмалари Федерацияси "Апимондия"га аъзо бўлди. Бу Республикада асаларичиликни жадал суръатда саноатлаштириш, ривожланган мамлакатларнинг халқаро тажрибасидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда асаларичилик

соҳасининг асосий йўналиши - қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини сезиларли даражада ошишига сабаб бўлувчи «чанглатиш» агротехникасини жорий этиш, бу эса республиканинг озиқ-овқат хавфсизлиги дастурини амалга оширишда муҳим ҳисса қўшади.

2019 йилнинг сентябрь ойида Канаданинг Монреаль шаҳрида Аппимондиянинг 46-Конгрессси бўлиб ўтади. Ушбу Конгрессда "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасини "Апимондия" халқаро асаларичилик уюшмалари Федерациясига аъзо булганлиги тасдиқловчи гувоҳномани топшириш маросими бўлиб ўтади.

2018 йилнинг сентябрь ойидан буён биринчи марта Фарғона давлат университети ва Самарқанд ветеринария институтида зоотехник-асаларичи мутахассислиги бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бошланди. Барча вилоят коллежларида асаларичилик соҳаси учун зоотехник йўналиши бўйича бир йиллик ўқув курслари ташкил этилди. Хорижий мутахассислар томонидан коллеж ўқитувчилари учун асаларичилик курсларини ўқитиш услублари бўйича семинарлар ўтказилди. Илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш мақсадида Россия, Исроил ва Украинадаги илмий ва ўқув муассасалари билан горизонтал алоқалар ўрнатилди.

АТ "Алоқабанк" ва Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси таъсисчилигида асосий фаолияти асаларичилик субъектларига асаларичилик соҳасида қўлланиладиган инвентарлар, ускуналар, жиҳозлар, шунингдек асални қадоқлаш бўйича замонавий технологик линияларни лизингга беришдан иборат бўлган «ALOQALIZING» МЧЖ лизинг компанияси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида асалариларни кўчириш ва жойлаштириш тартиби ишлаб чиқилди. Мазкур тартибга мувофиқ асал йиғиш даврида уюшма талабномасига асосан уюшмага аъзо бўлган асаларичилик субъектларига ўрмон фонди ерлари, қўриқланадиган табиий ҳудудлари (давлат қўриқхоналари, муҳофаза қилинадиган ҳудудлар бундан мустасно), тоғли ва тоғ олди ҳудудларидан, табиий яйловлардан, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги ерларидан бепул фойдаланиш имконияти берилди.

Асални қалбакилаштирганлик учун жазо чоралари қўллаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий процессуал Кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Асаларичилик маҳсулотларини стандартлашни такомиллаштириш унга халқаро стандартларни жорий этиш ва Ўзбекистоннинг асаларичилик маҳсулотларини стандартлаш бўйича давлатлараро Қўмитасига аъзо бўлиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Асаларичилик бўйича тажриба станциясини ташкил этиш ва бу ишларга чет эл олимларини жалб қилиш бўйича режалаштирилган ишлар олиб борилмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти (ФАО) билан ҳамкорликда амалга ошириш учун

лойиҳа тайёрланди. Бу лойиҳага мувофиқ Ўзбекистонда асаларичилик бўйича мутахассислар ва илмий ходимларни тайёрлаш учун 350 минг АҚШ доллари миқдорида грант маблағларни жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида асалариларнинг зоти таркибини яхшилаш мақсадида 2500 дан ортиқ Украинадан “Карпат” зотли ва Германиядан “Карника” зотли зотли она арилар келтирилди.

Наманган вилоятида она ариларни сунъий уруғлантириш бўйича лаборатория ташкил этилди, наслчилик ишларини такомиллаштириш бўйича режали ишлар олиб борилмоқда, Фарғона вилоятида зотли она ариларни кўпайтириш бўйича ҳимояланган урчитиш ҳудуди ташкил этилди.

Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси ташкил қилинган вақтдан буён фаолият олиб борган Ўзбекистондан асал экспорт қилиш бир неча бараварга ошди, асалари пакетларини экспорт қилиш 1,5 баробарга кўпайди ва уларнинг сони 207 минг донага етди, умумий валюта тушумлари бир ярим мартага ошди ва унинг суммаси (миқдори) бир миллион долларга етди.

2018 йилда Ўзбекистонликлар дастурхонига 17 минг тоннадан ортиқ ширин асал маҳсулотлари етказилиб берилди, аҳоли жон бошига асал ишлаб чиқариш ярим килограммни (0,5 кг) ташкил этди.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта 2019 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини асаларилар билан чанглатиш агротехникаси қўлланилди ва асаларилар билан чанглатганлик учун тўлов жорий қилинди. Самарқанд вилоятининг Жомбой ва Булунғур туманларидаги боғдорчилик хўжаликлари асаларичилар билан чанглатиш бўйича шартнома тузишди ва 1500 гектар боғлардаги гилос, олма, нок, олхури ва бошқа дарахтларни 7500 та асалари оилалари билан чанглатилди. Агрономларнинг айтишига қараганда, боғларнинг ҳосилдорлиги уларнинг кутган прогнозидан ошиб кетган. Қўшимча олиниши кўтилаётган маҳсулот асалариларни олиб келиш ва тўлаш харажатларидан бир неча баробарга кўп бўлмоқда.

Мутахассисларнинг энг содда ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги экинларини асаларилар билан чанглатиш ҳисобига қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот олинмоқда. Фақатгина асалариларни боғ ва далаларда тўғри жойлаштириш ва ташкилий чора-тадбирлар амалга ошириш ҳисобига ушбу кўрсаткични 4,0 триллион сўмга етказиш мумкин.

Президентимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги ПҚ-3327-сонли қарорига асосан биносини ажратилиши Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси ҳудудий уюшмалар билан биргаликда соҳанинг вертикал ва ягона бошқарув тизимини шакллантириш, уни ривожлантириш, янги иш ўринларини очиш, асаларичиликни саноат усулига ўтказиш, замонавий технологияларни амалиётга жорий қилиш, асал етиштириш хажмларини ошириш, аҳолини сифатли асалари маҳсулотлари билан таъминлаш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги “Чорвачилик тармоғини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПҚ-4243 сонли қарорга асосан баҳор-ёз мавсумида асалариларни қўшни мамлакатларга вақтинчалик божхона олиб чиқилганда, етиштирилган асал миқдорини Ўзбекистонга олиб киришда божхона имтиёзларни берилиши асаларичилик соҳасини ривожига ва асаларичилар ўртасида халқаро ҳамкорликларни мустақамланишига замин яратди.

Аҳоли орасида асалари маҳсулотлари истеъмол қилишни тарғиб қилиш, уларнинг саломатлигига таъсири, Ўзбекистоннинг барча асаларичиларини бирлаштириш, интенсив технологияларни жорий этиш ва тажриба алмашилиш, асаларичиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорда белгиланган вазифаларни бажариш самарадорлигини ошириш, асаларичилик субъектларининг фаолиятини қўллаб қувватлаш ва мувофиқлаштириш, асаларичиларнинг муаммоларини муҳокама қилиш ва уларнинг ечимини аниқлаш мақсадида 2017-2018 йилларда “Асал байрами” ўтказилмоқда. Унинг ташаббускорлари АТ “Алоқабанк” ва Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда асаларичилик сезиларли даражада сифат ва сон жиҳатда ўзгармоқда. Савдо нуқталарида қадоқланган асалнинг турлари кўпайган. Энг асосийси аҳолини асал маҳсулотларига бўлган талаби ошиб бораётганлиги қувонтиради.

Қўллаб одамлар асаларилар билан қизиқишмоқда. Худудий асаларичилик уюшмаларига маслаҳат олиш, асаларилар билан ишлаш бўйича ёрдам сўраб, асбоб-ускуна сотиб олиш учун келишмоқда.

Асаларичилик соҳасида ҳар йили 15% ўсиш темплари сақланиб қолмоқда. Ҳозирги кунда 14 мингдан ортиқ асаларичилик субъектлари фаолият олиб бориб, 870 мингдан ортиқ асалари оилаларини боқиб келмоқдалар. 2019 йил давомида республикада асал етиштириш ҳажмларин 19 минг тоннага етказиш режалаштирилган.

Энг асосийси – асаларичилар давлат томонидан соҳани реал қўллаб-қувватланаётганини ҳис қилишмоқда. Давлат асалариларни нафақат асал етиштирувчи сифатида, балки асалариларни қишлоқ хўжалиги экинларини асосий чанглатувчиси ва боғ ҳамда далаларнинг ҳосилдорлигини сезиларли даражада ошириб берувчиси сифатида қарамоқда.